



ЖОШЛИК СУЎБИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 февраль, сешанба, 1996 йил
Сотува эркин нархда. № 41 (1294)

НАВРЎЗ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК

24 февраль кунин Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси Исмоил Жўрабевов бошқарди.

Мажлисида пойтахтимиз Тошкентда ва вилоятларда байрамга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, вазирлик ва идоралар, корпорация ва уюшмалар, тегишли ташкилотлар раҳбарларининг шу масала хусусидаги ахборотлари тингланди.

Мамлакатимизда 21 март кунин кенг нишонланадиган Наврўз тантаналарига қизгин ҳозирлик кўриляётгани, бу борада ҳозирдан оқ катта ҳажмда иш амалга оширилгани таъкидланди. Шу билан бирга, бу ишни ҳамма жойда ҳам кўнгилдагилек деб бўлмаслиги, уни янада жадаллаштириш зарурлиги ўқтирилди. Пойтахтнинг Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги саройи, Хадра,

Алишер Навоий номидаги театр, Ўзбекистон Миллий боғи, Улугбек ва Ҳамид Олимжон майдонлари, Сайлгоҳ кўчаси, Амир Темур хиёбони ҳамда бошқа жойларда ўтказиладиган тадбирларнинг аниқ дастури ишлаб чиқишлиши лозим. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни авж олдириш, айём шарафига эсдалик совғалари ва нишонлар чиқариш, озик-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари билан савдо қилувчи ярмаркалар ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Мажлисида Наврўз умумхалқ байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш, бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги айтилди, мазкур ишга мутасадди ташкилотлар раҳбарларига бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, Р. Юнусов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).



Бир вақтлар асосан тикувчилик соҳалари билан шуғулланиб келган Чироқчи туманидаги саноат-савдо ишлаб чиқариш хиссалорлик жамиятида бутунги кунда аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб маҳсулот тайёрлаш, турларини кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Утган бир йил давомида бу ерда пойдоз, гилам тўқичи, керамзитли гинт ишлаб чиқариш, кўрна тикичи, қиш-

лоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервланиш, хом гинт тайёрлаш каби бир неча пешлар ишга туширилди. Бугунги кунда бу ерда етмишдан ортиқ ички хизмат қилиши. Ундан ортиқ аҳоли пунктларида жамиятнинг бўлимлари ишлаб турибди. Суратла: гилам тўқувчи Барно Қаюмова, Ш. ШАРОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Муқаллас Ийд Ал-Фитр ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий қутловларимни йўллаб, қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст халқингиз ҳамда бутун ислом олами халқларига эзгулик ва фаровонлик ато этишни тилаш менга улкан мамнуният бахш этди.

Қамоли эҳтиром ва биродарлик саломи ила, биродарингиз

Мухаммад Хусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Муқаллас Ийд Ал-Фитр ҳайити муносабати билан Тунис ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига самимий қутловларимни йўллаб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса янада равақ тилаш менга улкан мамнуният бахш этди.

Илоё, Аллоҳимиз барча мусулмонларни ёрлақаб, халқларимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда бизга мададкор бўлтай.

Зайн Ал Обиддин Бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Сизни муборак Ийд Ал-Фитр ҳайити муносабати билан қутлаб, Сизга тангри таолонинг ёрлақашини, фаровонлик ва бахт-саодат, халқингиз ва ислом умматига эса равақ ва шон-шараф тилашдан мамнуман.

Ҳайитингиз қутлуг бўлсин!
Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,
Яман Республикаси Президенти.

СОЛИҚ ТИЗИМИ ЯЛПИ КОМПЬЮТЕРЛАШАДИ

Пойтахтимизда солиқ тизимини автоматлаштириш мавзусига бағишланган халқаро семинар иш бошлады.

Анжуман республика Давлат солиқ қўмитаси билан АҚШнинг халқаро тараққиёт буйича агентлиги (ЮСАИД) ва «Барентс групп» фирмаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Унда Марказий Осиё давлатлари солиқ хизмати вакиллари ҳамда республикамизнинг турли вазирликлари, қўмиталари ва банк соҳаси мутахассислари иштирок этмоқда.

1993 йил Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан республикамизда солиқ тизимига ягона компьютер тизимини барпо этиш буйича аниқ дастур белгилаб олинган эди, — деди анжуманнинг очар экан, Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Гагаулин, — ҳукуматимизнинг доимий равишда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши ҳамда бир қанча халқаро ташкилотларнинг кўмаги билан мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги солиқ бошқармалари ҳамда туман солиқ инспекциялари керакли техника билан жиҳозланди. Ҳозир республикамиз Давлат солиқ бошқармаларида 14 ҳудудий компьютер маркази, қўллаб ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш ва ўқитиш мажмуалари ишлаб турибди.

Анжумандан қўзланган мақсад ривожланган давлатлардаги солиқ сисъати ва бу соҳада қўлга киритилган ютуқларни ўрганиш, мазкур тизимни замонавий техника билан жиҳозлаш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги солиқ тизимини янада такомиллаштириш буйича зарур тадбирларни ишлаб чиқишдир.

Иштирокчилар икки кун давомида фискал ислохотлар лойиҳаси, иқтисодиётнинг негизини ташкил этувчи соҳаларда жадал ахборот алмашишни йўлга қўйиш каби бир қанча мавзуларда марпарзалар тинглаб мунозара ўтказдилар.

(ЎзА).

МУБОРАК ҲАЖ САФАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкентда муборак ҳаж сафарини ташкил этиш юзасидан тузилган республика ички комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг бу соҳага масъул ўринбосарлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатимиз фуқароларининг виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, уларнинг иймон-эътиқодли, ватанга садоқатли инсонлар бўлиб етишишлари учун катта гамхўрлик қилаётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан имзоланган Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарори бу борада муҳим қарар бўлгани қайд этилди.

Мазкур қарорда муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини одилона ҳамда ҳолисона қондириш, бу жараёнда ҳар томонлама адолатли таъминлаш масъулияти тўлалигича Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакил-

лари зиммасидалиги таъкидланган. Йиғилишда ушбу юксак ишонччи ёруж билан оқлаш зарурлиги, зеро мамлакатимиз раҳбарияти ҳаж сафарини адо этишда қўллаб-имтиёзлар яратётгани айтиб ўтилди. Шунинг қайд этиш лозимки, Рамазон ҳайитининг илк кунинда эълон қилинган мазкур қарорга асосан валютанинг имтиёзли алмаштирилиши туфайли зиёрат харажатлари ҳар бир киши ҳисобига қарий 10 минг сўмга арзонлашди. Ўзбекистонлик ҳожилар учун, хусусан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси енгил тарифлар жорий қилди. Уларга бошқа қатор имтиёзлар ҳам белгиланган.

1996 йил апрель ойида мамлакатимизнинг 3500 нафар ёки ўтган йилдаги нисбатан 500 нафар кўп иймон-эътиқодли фуқароси муборак ҳаж зиёратига амалга ошириш, Макка ва Мадинадаги муқаллас қадимжоларни тафовд айлашда мазкур имтиёзлардан фойдаланиш имкониятига муассар бўладилар.

Йиғилишда Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасига ҳаж сафарини ташкил қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш борасида дин ишлари бўйича қўмита, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа бир қатор идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

(ЎзА).

ХИТОЙ АМАЛИЙ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Расомавр уюшмасининг кўргазмалар залида Хитой Халқ Республикаси амалий санъати кўргазмаси очилди. Кўргазма ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, «ЭКОСАЙ» экология ва саноатлик халқаро жамғирмаси ва республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Бир ҳафта давомида кўргазмада Хитой амалий санъати намуналари, бежирим ҳайкалчалар, чинни буюмлар, тасвирий санъат асарлари, умуман, Хитой миллий маданиятини ўзида «муҳасам» этувчи маҳсулотлар намойиш этилди. Мазкур кўргазма шуниси билан эътиборга лойиқки, унда намойиш этилётган маҳсулотларни харид қилиш мўмкин. Сотувдан шунга маблағ эса Оролбўйидаги экологик аҳолини яхшилаш, авваламбор, шу ҳудуддаги аёллар ва болалар соғлигини ҳимоя қилишга сарфланади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулода ва Мухтор элчиси Гуань Хэнгуан иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ИЗЧИЛ КЕЧМОҚДА

Хабар қилинганидек, БМТнинг тараққиёт дастури (БМТТД) миссияси уч ҳафта ишари Ўзбекистонга ташриф бурган эди. Ташрифдан мақсад — Ўзбекистондаги вазиятни ўрганиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар билан танишиш ниҳонсида шаклланган хулосалар асосида мамлакатимизга мос дастур тақлиф этишдир.

БМТТДнинг Ион Попеску раҳбарлигидаги делегацияси Вирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашиб, мамлакатимиз ҳақидаги дастлабки хулосалари билан уртоқлашди.

— Биз уч ҳафта мобайнида республиканинг турли жойларида бўлиб, эллиқдан ортиқ учрашув ўтказдик, Ўзбекистондаги вазият билан батафсил танишдик, — деди Ион Попеску, — расмий доиралар, жамоатчилик вакиллари билан бўлган учрашув ва мулоқотлар чоғида бу ердаги ютуқ ва муаммолар, эҳтиёжлар ҳақида етарли маълумот олдик.

Сафардан асосий муди — республикада кечатган демократиялаш жараёни ривожига, бошқарув тизими, умуман, фуқаролик жамиятини такомиллаштиришга қўмаклашишдан иборат. Шу боне, сафар хулосалари асосида муайян тавсияномалар тақдим этилди.

БМТТД делегацияси

амал қилаётгани бунинг далилидир.

БМТТД миссияси Ўзбекистонга тавсия этилажак дастур мамлакатда демократиялаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кенгайтиришни кузда тутди. Миссия бу борада техник ёрдам кўрсатиш ва ушбу дастурнинг молиявий таъминотини ҳам ўз зиммасига олиш ниятидалиги таъкидланди. Дастур икки босқичда амалга оширилади. Илк босқич 1996 йилнинг июлидан 1997 йилнинг июлигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда асосий эътибор Конституциявий суд, Олий суд, Прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳимоя қилиш органлари фаолиятини янада мукамаллаштиришга қаратилади.

Иккинчи босқич эса 1997 йилдан 2000 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Унда қонуни чиқарувчи ҳамда бошқарув тизимларига ёрдам кўрсатиш юзасидан тадбирлар белгиланади.

БМТ Тараққиёт дастури миссияси тавсияномалари асосида амалга ошириладиган тадбирлар мамлакатимизда жамиятнинг демократиялаш жараёни ривожига катта ҳисса қўшиши аниқ.

(ЎзА).

БУГУНГИ СОНДА:

Апрель ойида 3500 нафар киши муборак ҳаж сафарини амалга оширади 1 бет

Ҳуқуқий демократик давлатда қонуни жамиятнинг маънавий асоси ҳисобланади 2 бет.

Рақобат у саракни саракка, пучакни пучакка чиқаради. 3 бет

Самарқанда бир муқаддас ёдгорлик борким — бу Амур Темурга тахт сифатида хизмат қилган Куктошдир 4 бет.

ҚОР БАРАКА РАМЗИ



Кунин-кеча ҳаммагина қолди, эрта-индин қуёш баҳор нафаси сезилиб янада чарақлаб, баҳор-

нинг илк шамоллари эса бошласа ҳерак, деган хавлда эдик. Аммо, кеча эрталаб қорни кўрдигу, кўпчилигимизга ҳайрон қолдик. Республика об-ҳавонини қувайтиш маркази ходимлари ўз тахминларида янгилишмаганликларини аτροφимиздаги оппоқ қор уюмлари ҳам исботлади. Вундай об-ҳаво республикамизда аввалги йиллари ҳам қувайтилганлиги, аммо бу сафар қишнинг «сўнги ҳам-

лави» бироз кучлироқ бўлганлигини сезиб турибмиз. Нима бўлса-да қор барака рамзи. Она табиатнинг бу инъоми ҳаммамизни бирдек қувонтирди. Аллақарерлардан баҳор нафаси уфуриб турган бир пайтда ёққан қор қишнинг сўнги ҳамлашимиздан деб уйлаб қоласан, киши. Лекин табиатга буйроқ бериб бўлмайди. Ҳарқалай эрта-индин юртимизга-қўп соғинганимиз баҳор кириб келиши дилларга алақандай нур ва таскин беради.

(ЎзА).

Бугуннинг гапи

Маълумки, мамлакатимиз дунёга келган биринчи кунда ҳуқуқий демократик давлат қурмоқчи эканлигини, унда қонулар эсворларни таъминлашини маълум қилган эди. Мустақиллик Конституцияси деб эътироф этилган Асосий Қонулимизда ҳуқуқий давлат қурилишининг тамал тоши қўйилди. Парламентимиз ҳуқуқий давлат тамойилидан келиб чиқиб, ўнлаб янги қонулар қабул қилиб, конституциявий қоидаларни янада ривожлантирди.

Ҳуқуқий демократик давлатда қонун давлатнинг пойдевори, жамиятнинг устуни, маънавий асоси ҳисобланади. Қонун олдида ҳамма — оддий фуқаро ҳам, мансабдор шахс ҳам тенг. Лекин мансабдор шахснинг зиммасида катта масъулият бор. У қонунга риоя қилишда, юриш-туришда адолату покликда бошқаларга ибрат кўрсатиши шарт. Шу сабабли Президентимиз Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясидаги нутқида қонунчиликни таъминлашга сафарбар этилган идоралар — ҳокимият тузилмалари, ҳуқуқий муҳофиза қилиш, суд ва назорат органлари вакилларининг ўзлари қонуларни аниқ ва очиқшай ижро этишларини талаб қилиш тўғрисидаги масалани кескин қўйди. Бу ниҳоятда асосий талаб. Ахир қонун мейбларига ўзи амал қилмайдиган киши бошқалардан қонунга риоя этишини талаб қилоладими?

Агар давлат номидан иш қўрувчи мансабдорларнинг гапи билан иши бир-бирига зид бўлса, қонуларнинг ўзи обрўсизланади, қонунларни назарга илмаслик иллати пайдо бўлади. Демак, жамиятнинг маънавий асосларига пугур етади. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Қабул қилинадиган қонунда давлат хизмати ташкил этиш принципи: кучли ижроия ҳокимияти, хизматчиларнинг сийёсий жиҳатдан берафалиги принципи, хизмат бурчларига садоқат ҳамда бошқа принцип — тамойиллар ўз ифодасини

монидан босқинчилик, талончилик, қотиллик, товланчилик — рекет, номуста тажовуз қилиш каби ўта оғир жиноятлар содир этила бошландики, уларга қарши кураш, қонун кучидан тўла фойдаланишдан бошқа йўл йўқ эди. Аммо айрим судларимизда аниқ ишларни қўришда ва жазо тайинлашда унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан индивидуал ёндоқшиш принциплари бузилган ҳоллари ҳам рўй берган. Бундай ҳоллар маълум бўлганда, юқори судлар томонидан адолатли жазо белгилаш масаласига

золар қисқартирилган бўлса, 1995 йилда 247 кишига нисбатан жазолар оғир деб топилиб, ҳукмлар ўзгартирилди, 25 шахсга нисбатан жиноий ишлар судланганларнинг ҳаракатида жиноят таркиби йўқлиги сабабли ҳаракатдан ўзқизилди. Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун 1994 йилда қўйи судлар томонидан 89 кишига нисбатан белгиланган жазолар енгил деб топилиб, ҳукмлар бекор қилинган бўлса, 1995 йилда 70 кишига нисбатан қўйи судлар белгилаган жазолар енгил деб, ҳукмлар бекор қилинди ва янгидан суд мажлисида қўриш учун

лада вилоят судлари ҳам анча-мунча ижобий бурилишлар қилдилар. Натигада Олий судга келиб тушадиган ариза ва шикоятлар сони, айниқса, такроран келиб тушадиган аризалар камайиб бормоқда. Масалан, 1995 йилда ташкилотлар ва фуқаролардан 4947 та, яъни 1994 йилдагига нисбатан 328 та кам ариза ва шикоят келди. Такроран юборилган шикоятлар сони эса 1608 та бўлиб, ўтган йилдагига нисбатан 267 тага камдир. Айниқса, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидан келадиган шикоятлар сони озайди.

Ўтган йилларда мамлакатимизда суд тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятини шакллантириш борасида бир мунча ишлар қилинди. Конституциямиздан келиб чиқиб, 1993 йил 2 сентябрда «Судлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, унда суд тузилиши ва судлов ишларини юргизишга оид барча демократик конституциявий тамойиллар янада ривожлантирилди.

1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузудиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асосларини яратди. Лекин шунга қарамай, суд ҳокимиятининг барча жабҳалари тўла-тўқис ечилган деб бўлмайди.

Суд фуқаролар куз олдиди, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида тавалланиши шарт. Тоталитар тузум даврида судга нисбатан бўлган қарашларни тубдан ўзгартириш ҳақидаги фикрда катта мазмун бор. Ҳақиқатдан ҳам, кишиларимизнинг он-

гини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан бўлган муносабатларини ўзгартириш борасида ҳали анча ишлар қилишимиз лозим. Биз суд маданиятини кўтаришимиз, ҳар бир суд жараёни фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлишига эришишимиз шарт. Суд том маънода адолат посбонига айланмоғи зарур. Суд ва судьялар ўзига белгирилган ишончин ҳар кунги, ҳар доим амалий ишлар билан оқлашлари лозим.

Шунинг учун ҳам суд ва судьяларнинг ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунганини таъминлаш, суд тизимига нопок, пора-хўр ва тасодифий кимсалар кириб қолишига йўл қўймайдиган ҳуқуқий асосни қалам-бақаддам такомиллаштириб бориш жуда долзарб масалалар.

Аммо суд ва судьяларга қўйилган юксак талаблар уларнинг иш шароитини яхшилаш лозимлигини ҳам қўн тартибига қўяди. Чунки суд бинолари, суд мажлисларини ўтказиладиган хоналар, уларнинг жиҳозланиши, тегизиш техникалар билан таъминланиши ҳам янги талаблар даражасида бўлиши лозим. Суд бирор бир кимсага ташиқлот ёки муассасага тобе бўлмастай керак.

Суд ҳокимияти тизимида фаолият кўрсатувчи идоралар раҳбарлари, ҳуқуқий ҳимоя қилувчи бошқа органлар билан биргаликда судларнинг мустақиллигини таъминлаш ва унинг обрўсини ошириш зарурлиги ва ислоҳ масаласидаги ягона дастурга доир ўз тақлифларимизни Олий Мажлисга тақдим этиш арасидадир.

Хулоса қилиб, шунга айтиш мумкин, суд ҳокимиятининг обрўсини кўтариш, унинг ҳокимиятини таъминлаш ҳар бир судьядан катта масъулият, билим, тажриба, қонунни мукаммал билиш каби ҳислатларни шакллантириши тақоза этади.

Ислохот — амалда КИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ: ИШ КЎЛАМИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

Бозор иқтисодиётининг ички тизимини шакллантиришда молия, инновация, суд, интеллектуал, ноу-хау, ақлий меҳнат, уй-жой, санъат, қўллар бозорлари муҳим ўрин тутаяди. Чунки ислохотлар даврида бундай эркин бозор турларини босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисида эртанги кунда ҳақиқий рақобатчиликка асосланган бозорлар тизимини ўрнатиш мумкин. Ҳозирдан равшанки, рақобат бор жойда иланиш, интилиш, энг муҳими — ривожланиш бўлади.

Сўнгги пайтда Ўзбекистонда ана шундай бозорларни шакллантириш борасида дадил қадамлар ташланмоқда. Мол-ҳомашё, кўчмас мулк, агросаноат, валюта, қимматбаҳо қоғозлар биржалари фаолият кўрсатаётгани бунинг далилидир.

Биз бу гал қимматбаҳо қоғозлар биржаси ҳақида тўхтамқочимиз. Шунинг айтиш керакки, мазкур биржанинг иш кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Негаки, бугунги кунда Ўзбекистонда 4 мингдан зиёд рақобатчилик акционерлик жамияти фаолият юритмоқда. Уларга 91 та брокерлик идораси хизмат кўрсатаётди. Агар «Тошкент» республика қимматбаҳо қоғозлар биржаси иш фаолиятининг ўтган йил якунларига назар солидиган бўлсак, йил давомида 65 марта савдо ўтказилганлиги маълум бўлади. Уларда 909 та акционерлик жамиятининг 1,9 миллион сўмлик акцияси 1,3 млрд. сўмга сотилган. Яъни Тошкент шаҳри бўйича жами 226 млн. сўмлик акция сотилган бўлса, Фарғона вилоятида 218, Андижон вилоятида 189, Бухоро вилоятида 117, Самарқанд вилоятида 93, Хоразм вилоятида 87, Тошкент вилоятида 78, Сирдарё вилоятида 59, Қашқадарё вилоятида 57, Навоийда 45, Сурхондарёда 42, Жиззах вилоятида 38, Наманган вилоятида 37, Қорақалпоғистон Республикасида 37 миллион сўмлик акциялар сотилганлигини кўриш мумкин. Бундан кўришиб турибдики, айрим вилоятларда акциялар тарқатиш ва сотиш талаб даражасида эмас. Лекин масаланинг шу томони ҳам борки, Қашқадарё вилояти акцияларни тарқатиш бўйича 12-ўринни эгаллаб турган бўлса-да, сотиш жиҳатдан 9-поғонадир. Бунинг асосий сабабларидан бири савдога қўйилган акцияларнинг муддати, номинал қиймати, ҳиссдорлик жамиятининг рейтингини, низоом фондининг яхши йўлга қўйилганидир. Иккинчидан, акциялар бажосини биржада талаб ва тақлиф белгилайди. Кузатишларга қараганда, савдога қўйилган 50 ва 100 сўмлик акцияларга нисбатан 500-1000 сўмлик акцияларга талаб кучли. Халқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тармоқлар ичида акциялар сотиш бўйича агросаноат мажмуидидаги ҳиссдорлик жамиятлари юқори ўринни эгаллади. Яъни жами акцияларнинг 67 фоизи уларнинг улдушига тўғри келди. Бу кўрсаткич саноатда 19, маънавий хизматда 6, қурилиш, транспорт ва алоқа тизимларида 5 фоизни ташкил этди, холос.

Ўтган 1995 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари бирмунча баракати мавсум бўлди. Яъни ушбу ойларда 661 миллион сўмлик 897 та акция сотишга эришилди. Бундан ташқари, республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Нукус, Қарши ва Андижон шаҳарларида кўчма савдолар ташкил этилиб, 137 та акционерлик жамиятининг 458 минг дона акцияси 313 млн. сўмга сотилди. Бунда, албатта, қимматли қоғозлар билан ишлайдиган брокерларнинг ҳам хизмати катта. Шу бугунги кунда қимматбаҳо қоғозлар миллий марказида 623 киши ўқитилиб, қимматли қоғозлар билан ишлаш ҳуқуқини олди. Ҳозир уларнинг 240 нафари ви-

лоятлардаги брокерлик идораларида фаолият кўрсатмоқда. — Бу албатта, жуда кам, — дейди биржа раиси Мирфаёз Мирсоатов. — Чунки бугунги кунга қалар айрим вилоятларда бор-йўғи битта-иккитадан инвестиция институтларимиз ишлаб турибди. Ваҳоланки, ҳар бир вилоятда 8-10 та ҳудудий институт, ҳар бир ҳудудда эса қимматли қоғозлар билан ишлайдиган 25-30 нафар муваққис зарур. Бундан ташқари, сўнгги пайтларда жойлардаги айрим раҳбарларнинг лоқайлиги ва эътиборсизлиги тўғрисида кадрларни қайта тайёрлаш иши ҳам пайсалга солиб келинмоқда. Биржада телекоммуникация алоқа тизимларини жорий этиш, савдога чет эллик сармоядорларни жалб этиш механизмлари эса маромийга етказилмаган. Аҳоли ўртасида акцияларнинг афзаллиги томонлари тўғрисида ҳам етарли даражада тушунтириш олиб борилмаётди.

Ана шу муаммоларни жорий йилда ҳал этишни асосий иш режамизга киритганмиз. Шунинг ҳам қайд этиш зарурки, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, уларни кўпроқ сотишга эришиш нафақат брокерларимизнинг омилдорлигига, балки омвий аъборот вивисалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларимизга ҳам боғлиқ. Шу мақсадда ўтган йили биржамизнинг иш фаолияти, пайларнинг афзаллиги томонлари тўғрисида газета ва журналларда 181 та мақола ва хабар берилган бўлса, радио ва телевидение орқали 338 марта чиқиш қилинди. Республикаимизнинг кўпгина корхона ва ташкилотларида эса семинарлар ўтказилди.

Бундан ташқари, бултур биржамиз Европий Бош ассамблеяси Федерацияси Фонд биржасига аъзо бўлди. Бу ҳол ўз навбатида АҚШ, Германия, Туркия, Япония, Эрон сингари ривожланган давлатларнинг биржалари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиши мумкин. Яқинда эса бир гуруҳ мутахассисларимиз Нью-Йорк, Франк-фурт ва Майне, Истамбул ва Токио шаҳрининг етакчи Фонд биржаларида ва йирик брокерлик фирмаларида малака ошириб қайтишди. Шунингдек, биржа раҳбарияти германиялик ҳамкорлар билан Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини янада тараққий эттириш учун молиявий ва техник ёрдам кўрсатишга келишиб олди. Албатта, бундай сый-ҳаракатларининг барчаси республикамизнинг жаҳон қимматли қоғозлар бозори сари интилиш йўлидаги дастлабки қадамларидир.

Қўриқда таъкидлаганимиздек, ўтган йили «Тошкент» республика қимматли қоғозлар биржасида бор-йўғи 909 та акционерлик жамияти акцияларини сотилган бўлса, бу йил уларнинг сони 3093 тайдан ошиб кетди. Эндиликда эса фирма, компаниялар ва банклар ҳам биржада ўз акцияларини билан қатнашмоқда. Бу эса ўз навбатида акциялар сотишнинг мунтазам равишда ортиб боришига ва широканга давлат маъмуриятимизда ҳақиқий қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ўрнатишга замин яратмоқда.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўбайдулла МИНГБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси. СУД ТОМ МАЪНОДА АДОЛАТ ПОСБОНИ БЎЛИШИ УЧУН

қўйи судларнинг эътиборлари жалб этилган. Судларда жазо тайинлаш амалиётини яна бир бор қўриб чиқиб, яқин вақтлар ичида республика Олий суди пленумида муҳокама қилиниб, тегизиш тушунириш ва аниқ кўрсатмалар бериш мўлжалланган.

Олий суд суд ҳокимиятининг энг юқори органи ҳисобланади, у ҳар бир ишнинг қонунга асосан ҳал этилишини таъминлайди. Шу билан бирга оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган бир гуруҳ шахсларга, олдин судланганларга, бирон бир жойда ишламастан, мўмай пул топиш йўлига ўтиб кетганларга нисбатан белгилаган жазоларни қонун кучидан тўла фойдаланилмаган ишларнинг жазо қисмини енгил деб бекор қилиб, оғирроқ жазолар белгилашга ўз кўрсатмасини беради. Масалан, республика Олий суди 1994 йилда 149 кишига нисбатан қўйи судлар томонидан тайинланган жазолар оғир деб топилганлиги сабабли ҳукмлар ўзгартирилиб, жа-

юборилди. Шу билан бирга қўйи судлар фуқаролик ишларини қўришда айрим чалқашликларга йўл қўйганликларини учун республика Олий суди бундай нўсонларнинг сабабларини аниқламоқда ва аниқ ишларни қўришда қонун талаби бузилган ҳолларда қал қилув қарорларини бекор қилиб, тегизиш қонуний кўрсатмалар бериш мўлжалланган.

Аммо шу нарсани ҳам айтиш керакки, амалда фуқаролик кодекслари замон талабига жавоб бера олмай қолганлиги ҳам қўйи судларда ишларни қўришда чалқашликларга йўл қўйишга сабаб бўлган эди. Ҳақларини айни фуқаролик кодексларимиз Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилиниб, амалга киритилди ва улар судларда ишларни қўриш сифатини яхшилаш имконини беради.

Бу ўринда яна шунини айтиш керакки, республика Олий суди фуқаролардан келиб тушадиган ариза ва шикоятларга ҳам катта эътибор беради. Фуқароларни бевоқиф қилиш йўлга қўйилган ва бу мас-

аланинг асосий тамойиллари янада ривожлантирилди.

Суд фуқаролар куз олдиди, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида тавалланиши шарт. Тоталитар тузум даврида судга нисбатан бўлган қарашларни тубдан ўзгартириш ҳақидаги фикрда катта мазмун бор. Ҳақиқатдан ҳам, кишиларимизнинг он-

ОПАМБИА НИМА ГАПЪ МОЖАРО САБАБИ — ОРДА

Хитойнинг Тайванга қарши ҳар қандай тажовуз жиддий оқибатларга олиб келади, деди АҚШ муҳофафа вазири ўрин-босари Курт Қамбелл.

Жанубий Осиё ва Тинч уммони мамлакатлари билан халқаро муносабатлар бўйича АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси У. Лори эса, агар Хитой билан Тайван ўртасида ҳарбий жанжал чиқса, АҚШ ушбу муаммони ҳал этишда фаол иштирок этади, деди. Бироқ сенат аъзоларининг фикрича, Хитойнинг Тайванга қарши бу ҳаракатлари 23 марта мазкур оролда бўлиб ўтадиган президент сайловига таъсир этишдан иборат.

ЯНА ЧЎЗМАДИ

Тирисполда Приднестр мождарларини ҳал этиш бўйича музокараларнинг навбатиди бошқача бўлиб ўтди.

Молдова ва Приднестр вакиллари бошхона хизмати соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ҳужжат имзоландилар. Ёниқ эшиклар ортида ўтган музокараларда томонлар Приднестрга алоҳида мақом бериш бўйича лойиҳани муҳокама эта олмадилар. Шунингдек, банк-молия муаммолари бўйича ҳам ягона фикрда келинмади. Музокараларнинг навбатдаги босқичи 11 марта бўлади.

КУРНАДА ЕР СИЛКИДИ

Қурна оролларида яна ер силкиди. Унинг кучи ривож учун бўйича 6,8 балла етди.

Аҳоли орасида қурбонлар йўқ, Россия



СУРАТДА: Индонезия қишлоғи.

фавқулодда вазият вазирлигидан маълум қилинишича, зилзилдан қўрилган зарар бир миллиард рублга етган. Зилзила оқибатида турар-жой ва ишлаб чиқариш бинолари, электр тармоғи, сув ва иссиқлик узатиш қувурлари зарар кўрган.

КЎПЧАЛИК ИШТИРОК ЭТАДИГАН АНЖУМАН

Малайзия тавқи ишлар вазири Абу Ҳасан Умар шу йилнинг 1 мартини Тайланд пойтахтида очилажак Осиё-Европа анжумани олдидан баёнат бериб, унда ишон ҳуқуқлари масаласи муҳокама этилмайсизга умид билдириб.

У инсон ҳуқуқлари ва шу билан боғлиқ масалаларни Женевада махсус форумда кўриб чиқиш мақсадида мувофиқ эканини айтди. Бангкокда ўтадиган Осиё-Европа анжуманида Осиё ва Тинч уммони минтақаси давлатлари, Европанинг 15 мамлақати, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея ва Япония давлатлари раҳбарлари иштирок этади.

МИЛЛИЙ МОТАМ КУНИ

Илустриция ва Чеченстонда 23 февраль миллий мотам куни деб эълон қилинди.

Чунки бундан ярим аср муқаддам, 1944 йил 23 феврал куни Сталиннинг фармони билан ун минглаб ингуш ва чеченлар Фарбий Сибир, Қўзғистон, Қирғизистон ҳудудларига мажбуран кўчирилган эди.

ҚЎПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТИГА ҚАРШИ

Филиппиннинг Багво шаҳрида қўпорувчиликка қарши курашиш масалалари бўйича халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Унда АҚШ, Германия, Англия каби дунёнинг 18 мамлакатидан вакиллар иштирок этди. Анжуман қатнашчилари қўпорувчиликнинг кенгайишига қарши биргаликда кескин чоралар кўриш лозим эканини алоҳида таъкидладилар.

Соғлиқни сақлаш аълочили Баҳром Ҳамидов қарийб 40 йилдирки, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг касалхонаси қошидаги дорихонага мудирлик қилиб келмоқда. Ўтган вақт мобайлида у ўз касбининг устаси, хушмуомала ва миждо-ларга меҳрибон инсон сифатида жамоатда хурмат-эътибор қозонди, қўлпаб шогирдлар тайёрлади. Бугунги кунда ана шу шогирдларининг кўпчилиги устоз билан ёнма-ён ишламоқда.

СУРАТДА: дориниш Баҳром Ҳамидов янги тайёрланган малҳамини синаб кўрапти.



И. ТҶУЛИБОВЕВ олган сурат.

Лондондан мактуб

ЎЗБЕКИСТОН ҚАЛБИМДАН ЧУҚУР ЖОЙ ОЛДИ

Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистонда бўлган эдим. Оқибатини айтганда, агар мамлакатимизга ҳақиқатда жуда кам нарсалар бўларди. Негаки, китоблар ва матбуот нашрларидан бир оз нарсалар ўқигандим, холос.

Аммо Ўзбекистонга қилган мазкур саёҳатим давомида аниқгина маълумотга эга бўлдим, дея оламиз. Ушунда Самарқанд ва Бухоро каби қадимий навқирон шаҳарларда бўлдим. У ерда кўпгина қишлоқлар билан мулоқатда бўлганим боис, мамлакатимизни ҳақиқатини тасаввурим анчи бойиди. Ўзбекистон қалбимдан чуқур жой олди. Ҳозирда мамлакатимизнинг, узбек халқининг миллий урф-одатларини яхши билишам. Қадимий тарихимиз ва маданиятимизнинг юртингиздаги миллий ҳунармандчилик со-

ҳаси билан яқиндан танишим. Айниқса, Гиждувоғдаги қулоччилик устаносини фаолияти, у ерда пухта сайқал билан ишлаб чиқариладиган нафис ва гузал маҳсулотларни кўриб, лол қолдим. Негаки, мен бир пайтлар Уэльсдаги Свенсис университетига керамика мухассислиги бўйича таълим олган эдим. Ванганига қайтган ана шу соҳани чуқур ўрганишим ўз оқибатимга бош мақсад қилиб қўйдим.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Билишимча, Гиждувоғдаги бежирим сопол буюмлар

Ўзбек фирми қилиш

БОЛА МОЛ ТАВОБ Қ

БИЗ КРАС

У

100

3

3

3

3

Амир Темурнинг 660 йиллиги таловига

Самарқандда бир муқаддас ёдгорлик борки, унга соҳибқироннинг табаррук назарлари тушган, сиртига оёқларини қўйганлар. Бу ёдгорлик жаҳонсизга тахт сифатида хизмат қилган машҳур Кўктошдир.

Кўпчилик билмасдан, бу тош билан соҳибқироннинг қабри устидаги моҳтоб — қоратш-нефритни алмаштириб юборди. Соҳибқироннинг тахти бўлмиш Кўктош қўзиқоқ, тўрт бурчакли, қулранг кўриниши, ахилит мармар бўлиб, унинг ёнларига моҳир тошгарошлар нафис нақшлар чизганлар ва тўрт қиррасини устунсимон қилиб ўйганлар.

Кўктош соҳибқирон томонидан Самарқанд арқидан бунёд қилинган тўрт қаватли муҳташам Кўқсаройнинг тахтонасида ўрнатилган. Ҳашаматли қилиб безатилган бу хонада Амир Темур тахта ўтириб, элчиларни қабул қилган, фуқароларнинг дардларини тинглаган. Кўқсаройда, шунингдек, соҳибқироннинг улкан хазинаси ва бой кутубхонаси ҳам жой олган.

Мирзо Бобур бу сарой ҳақида: «Самарқанд арқидан Темирбек бир улук қўшқ солибтур, тўрт ошёналик, Кўқсаройга мавсум ва машҳур, бирсёр олий имораттур», деган эди.

Соҳибқироннинг табаррук излари қолган Кўктош тову тахт ва ҳумдорликнинг қонуний тасмоси бўлиб қолган эдиким, бобосининг тову тахтини ноқонуний эгаллаган Халил Султон ҳам отасининг кўмаги билан Самарқандда қўлга киритган Мирзо Улўғбек ҳам Кўктош устига ўтириб, давлатни бошқарганлар. Темурийлардан сўнг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган шайбонийлар, аштархонийлар ва мангитлар ҳам Кўктош устига расмий ўтириш маросимини ўтказишга мажбур эдилар. Аштархонийлар ва мангитлар даврида пойтахтлик вазифаси Самарқанддан Бухорога ўтган вақтларда ҳам Бухоро амирлари Самарқандда махсус қилиниб Кўктошга ўтириш маросимини ўтказар эдилар. Кўктошга расмий ўтириш маросимини ўтказмаган янги амир ўзини тўлақонли амир ҳисоблай олмас, фуқаро ҳам унинг амринини тўла тан олмас эди.

Амир Темурнинг тахти — Кўктош янги амирни ўтказиш маросими жуда тантанали равишда ўтказилган. Бу анъананинг тафсилот-

лари ҳам айрича. Биз қуйида амир Музаффарни Кўктошга ўтириши ҳақида батафсилроқ тўхтамоқчимиз. 1860 йили Бухоро амири Насрулла вафот этгач, унинг ўрнига ўғли Музаффархон ўтиради. У отаси вафотининг 40 кунлигини ўтказиб, Кўктошга ўтириш учун Самарқандга йўл олади. Янги амирнинг самарқандликлар қарнай-сурнайлар билан кутиб оладилар. Музаффархон Шохизинда қабиристонида бориб, улўғларнинг, азиз-авлибаларнинг хотираларига Қўрғон тиловат қилгач, Самарқанд ҳокими Ра-

ҳимхон парвоначининг меҳмонхона-сига тушади (бу меҳмонхона Кўктош турган ердан 30 қадам нарида, шаҳар Арқининг ичиди эди). Раҳимхон парвоначи янги амирга ўзининг ўта содиқ эканлигини исботлаш учун Кўктошга ўтириш маросимига катта тайёргарлик қўрди. Меҳмонхона ва Кўктош ўртасидаги йўлакка шохи газламалардан пойандоз тўшалди. Кўктошнинг ва у жойлашган бинонинг устига ҳам ҳар хил нафис матолар ёпишди. Бу тантанали маросимни томоша қилиш учун шаҳар халқи Арқа оқиб келган эди. Музаффархоннинг амалдорлари ва сарой аёллари ҳам кўтаринки кайфиятда турардилар. Амалдорлардан бири халқнинг устига қумуш тангалар сочиб туради. Кўктошдан 10 қадамлар берига оқ кигиз тўшалган. Икки амалдор Музаффархонни икки қўлтирдан суяб, оқ кигизнинг устига ўтказдилар. Амир Музаффархон оёқларини калқаштириб, чордонна кўриб, кигизнинг устига хотиржам ўтиради. Шундан сўнг Бухоро амирлигида яшовчи минг, кенагас, мангит, найман, хитой, қипчоқ, юз, қирқ каби ўзбек уруғларининг бошлиқлари ҳамда Раҳим парвоначи ва бошқа амалдорлар амирнинг бошлари баробар уч марта кўтаришиб, Кўктош томонга юрадилар ва оҳистаги-

булмади. Ҳозир бу бинолардан ному нишон қолган эмас. XIX асрда Кўктош турган саройнинг кўриниши бизнинг кунларимизга, 1868 йили Самарқанд истиклолида қатнашган рус расмоси В. Верещинининг чизиб қолдирган сурати орқалигина маълумдир. Бу суратдан аниқланишча, Кўктош ўрнатилган сарой тўрт бурчакли бўлиб, деворининг тўрт томонига айвон қилинган, айвоннинг ўртаси очик бўлиб, саройнинг тўрт томонига, шипи ва пештоқни нафис нақшлар билан безатилган.

Самарқандга XIX асрда ташриф буюрган барча сайёҳлар албатта, Кўктошни келиб кўрар эдилар. Шундай сайёҳлардан бири украинлик тарихчи Д. Эварницкийнинг ёзишича, соҳибқироннинг Самарқанд Арқидан саройи икки бўлимдан иборат бўлиб, бир бўлими сарой ахилларига мўлжалланган, иккинчиси Кўктош ўрнатилган.

У тахтона — қабулхона, деб аталган. Тантанали қабул маросимини кунларида Амир Темур Кўктош устида ўтирган.

Д. Эварницкий, Кўктошнинг зиярат қилган мусулмонларнинг кўнгилларида қадимда ва ҳозирги кунларда ҳам чуқур ҳис-ҳақжон, хуш кайфиятлар ҳамда фахр туйғуларини уйғонар эди, деб ёзиб қолдирган. Соҳибқироннинг тахти ҳақида ёган айрим тарихчи-лар бу тошни Амир Темурга алоқаси бўлмаса керак, уни Улўғбек узоқдан келтирган бўлиши мумкин, деган тахминларни ҳам айтиб кетганлар. Аммо тарихий далиллар бу тахминни батамом рад этади. Мирзо Улўғбек Мўғулистондан келтирган тош нефрит-моҳтоб-қора тош бўлиб, у ҳозирда Гўри Амир мақбарасида турибди. Кўктош эса олдий мармар тош бўлиб, бу тош Самарқанд вилоятига қилган мармар қорларидан биридан келтирилган бўлиши мумкин. Кўктошнинг қадри унинг жисмида эмас, балки соҳибқироннинг тахти бўлганлигидир.

Кўктош 1960 йилларга Самарқанд Арқи ўрнида қўрилган ҳарбий гарнизон ичиди турган, сўнгра бу ерда янги машҳур буюмлар қўрилиши муносабати билан у Гўри Амир мақбарасининг ҳовлисига қўйрилган. Кўктош ҳозир ҳам мақбара ҳовлисида. У узоқ вақт қор-ёмғирлар ва кўёш тини остига турганлиги учун айрим жойлари дарз кетган. Кўктошнинг устига бирор-бир махсус иншоот қўрилса ёки у бошқа жойга кўчирилса, айна мудоао бўларди.

Амирнинг БЕРДИМУРОДОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти ходими.

СОҲИБҚИРОННИНГ ТАХТИ ёхуд Кўктош қисмати



ЮРТНИ АНГЛАШ САОДАТИ



Бугун бизлар боболаримиз эълолаб келган, дунёда ўзининг қадимий ва бой тарихи, салоҳияти билан донг таратган, истибод асоратидан буткул халос бўлган, овоз ва обод юртининг ҳақиқий эгаларимиз. Бундан беш йилча олдин эса... Ҳозирги кунда баланд қўйиб ватанимизни мадҳ этолмасдик. «Кўринг, ҳавас қилинг, гираҳи-дан нарига ўтолмасдик.»

Истиклол тўғрисида дилимизда, қонимизда бўлган ватанпарварлик туйғуси тилимизга қўчди. Ватанга муҳаббат, ватан тупроғини ҳимоя қилишни бурч деб англаш, унинг учун жон башиқиллаш каби халқимизнинг фазилатлари бугунги мустақиллик даврида ўзгача мазмун, янгича аҳамият касб этади. Чунки халқимиз олдида янги давлатчиликнинг барпо этиши, юртимизнинг сийёси, маънавий ва иқтисодий мустақиллигини бугунги таъминлашдек давримизнинг энг долзарб вазифалари турибди. Бу вазифаларни юрғатишда ватанга эътиқод туйғуси уйғоқ фарзандлар, ватан дарди, халқ ташвиши билан яшаётган инсонларгина улашайдилар.

Юртимизнинг келажакни буюклигимизга шубҳа йўқ. Қисқа тарихий вақт мубоинида мамлакатимиз эришган ютуқлар, иқтисодий ўзгаришлар шундан далолатлар. Ана шу буюкликка эришиш учун бугунги ёшларни ватанга содиқ, магару ва соғил фарзандлар қилиб камол топтириш мўҳим масалалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Ўзбекистон — ватанам мағна» маърузида қўшиқлар қўриқ-талови ўтказиш тўғрисидаги қарори ана шу йўлда ташланган қадам бўлди.

Халқимиз ушбу қарорни хайрихоҳлик билан қутиб олди. Чунки бу қарор овоз ватанимизни, унинг халқини улашлагач, ёшларни, юртимиз фуқароларини ватан ҳимоси ва унинг келажак йўлида мард ва фидойий бўлишга чорлайди. Шунингдек, замонавий қўшиқ санъатини ривожлантириши ҳам мақсад қилиб қўйилди.

Ватан — муқаддас. Халқимиз муқаддас нарсаларни доимо эълолаб, улаулаб мадҳ этиб келган.

Ватанпарварлик туйғуси

итлайди. Бундан қўрқиндиклики бу ҳақиқат минг йиллар ортидан билгича етиб келган ва ҳақиқат бўлиб қолади.

Ватан деганда нимани тушунашимиз?

«Ўзбек тилининг нозиди дуга-дуга: «Ватан—қоши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт, кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳари ёки қишлоғи, юрт, дийёр; турар жой, бошпана, макон, уй» дейилган. Зеро, бу сўзнинг маъноси ниҳоятда кенг. Ватан сўзининг маъносини фарзандларнинг озу-инти-тиларини кенгайтиради. Ватанни англаш учун юртининг қўлида эътиқод билан даррақаб бўлиб чин маънода яшамоқ керак. Ахир умримизнинг ҳар бир қиз-қизини шу ватанга кечати. Ҳаётимизнинг мазмунини ана шу юртимизга бўлган муносабат белгилайди. Ватан ҳаётимиз мазмунини, мақсадларимизнинг ўзати эмасми?»

Езма тарихимизда «Ўзбекистон» деган сўзи биринчи марта XIX асрда яшаб ўтган шoir Турди Фароғий ўз шеърларида қўллаган экан. У «... Ўзбекистондир бу мулк» деб атаган юртимизни олмосга қўйиб қиламан. Бу олмоснинг қирралари шу қадар кўпки санаб чиқиши кўйини. Унинг ҳар бир қирраси буюкликдан далолатлар. Бой ўтмиши, қадимий мероси, даҳо халқи истеълодининг қудрати ва маънавияти, халқ санъати, адабиёти, қадимий шаҳарлари... Булар шу олмоснинг бўртиб турган қирраларидир.

Қадимий Римда бобоклонимиз Ибн Сино номи билан аталган кўча Борлигини ёки ўзбек элисини Фарб университетларида Байрон ва Шекспирнинг тилида нутқ ирод этганини эшитганимизда дилимиз қанчалик гурурга тўлади.

Ўзбекистонни қўйлаш саодатдир. Уни қўшқача жойлагани сайин маънавиятинг бойлиги, меҳринг ортади. Уни қўйлагани сайин кўпроқ англай болайсан, халқ юрагинга, замон дилита кириб борсан. Ахир қўйлаб айтганда, шу она халқимиздан, табиати гузал улкамиздан ҳам дилимизга ақирроқ яна нима борми?

Обек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Alka-Seltzer Bayer advertisement with product image and contact information.

Advertisement for TAN-SI smart cards and GEMPLUS services.

Advertisement for 'Халқ Сўзи' newspaper and 'Народное Слово' magazine.

Advertisement for 'Шоҳмат' chess tournament.

Advertisement for 'Тошкент давлат цирки' circus performance.

Advertisement for 'Ўзбекистон ҳаво йўллари' airline company.

Advertisement for 'Халқ Сўзи' newspaper journalist school.

Advertisement for 'Саноатқалиноқозсавдо' trade center.

Advertisement for 'Халқ Сўзи' newspaper subscription.

Advertisement for 'Халқ Сўзи' newspaper and 'Народное Слово' magazine.

Advertisement for 'Муассислар' (Founders) of the newspaper.